1'0 598

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган **1998 йил 11 март, чоршанба** **Баҳоси сотувда эркин нархда** **№ 18 (7015)**

Da'vat

Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат — ҳаё ила иффатдир. Ҳаёсиз юз — жонсиз жасад кабидир.

Ибн СИНО

Ibrat

Қизилтепа туманидаги «Зилола» аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жамоа корхонаси (раҳбари Рустам Саломов) туманидаги Абу Али ибн Сино ва Ойбек номидаги мактабларнинг 2 та синфини доимий оталиққа олган. Ҳар йили синфлар корхона ҳисобидан жорий таъмирланади. Аълочи ва ижтимоий ўқувчиларга маълум миқдорда рағбатлантирувчи стипендия ҳам ташкил қилинган. 20 нафар ўқувчи-ёшлар бепул обуна ҳисобидан газета-журналлар олаётирлар.

Qaror va ijro

ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори республикамизда таълим тизимининг ўрта поғонаси — касб-ҳунар таълимини ривожлантириш йўналишидаги асосий мақсад ва вазифаларга янада ойдинлик киритиш баробарида, ушбу ишлар учун бевосита масъулларнинг аниқланишига ҳам хизмат қилди.

Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида УРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ташкил этилди ва у ўз фаолиятини бошлади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари ҳамда ушбу Марказ раҳбари этиб Гулистон Давлат университетининг ректори лавозимида ишлаган, педагогика фанлари доктори, техника фанлари номзоди Рисбой Ҳайдарович Жўраев тайинланди.

Марказда «Касб-ҳунар коллежлари», «Академик лицейлар», «Педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш», «Капитал қурилиш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини реконструкция қилиш, тўлиқ тузатиш ва моддий-техникавий жиҳозлаш» бошқармалари, шунингдек, «Давлат таълим стандартлари ва талабларини ҳамда янги педагогик технологияларни илмий-амалий ишлаб чиқиш ва амалга ошириш» бўлими мавжуд.

Ўз фаолиятини бошлаган Касб-ҳунар коллежлари бошқармасига Халқ таълими вазирлигининг ҳунар-техника таълими бош бошқармаси бошлиғи Ўткир Раупов, Академик лицейлар бошқармасига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди Рустам Ниматов, Педагогик кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш бошқармасига Миллий депозитарийнинг ахборот ва статистика бошқармаси бошлиғи Фарит Кучукбоевлар бошқарма бошлиқлари этиб тайинландилар.

Ҳозирги кунда ушбу Марказ асосан ташкилий ишлар билан шуғулланмоқда. Хусусан, бу ерда давлат таълим стандартлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув дастури ва режалари тайёрланмоқда. Айни пайтда Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари Низоми, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг намунавий уставлари лойиҳаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Низоми лойиҳаси ишлаб чиқилди. Янги қуриладиган ўқув юртлари бинолари билан шуғулланувчи лойиҳачилар учун умумий талаблар ва техник буюртмалар ҳам тайёрланди.

Шунингдек, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими марказида вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳудудларда 1998 ўқув йилидан фаолият кўрсатадиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг рўйхати аниқланмоқда. Келгусида Марказ фаолияти газетамизда мунтазам ёритилиб борилади.

Нурлан УСМОНОВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Комилжон Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 10 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади, унга кўра 1 АҚШ доллари 83 сўм 39 тийинга тўғри келди.**

- **Қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси аъзолари Фарғона вилоятида бўлишиб, Шаҳристон тепалигида олиб борилаётган археологик қазилма ишлари, меъморий обидалар, рамзий мақбара қурилиши, маданият ва истироҳат боғини бунёд этиш, Фарғонанинг Мустақиллик майдонида буюк бобокалонимизга ҳайкал ўрнатиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.**

JUMLADA JAHON

- **Япония ҳукумати Ўзбекистоннинг айрим вилоятларидаги оналар ва болалар шифохоналарини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашиш учун мамлакатимизга бефараз ёрдам сифатида 676 миллион япон иени (5,8 миллион АҚШ доллари) миқдорида грант ажратди.**

- **Алматида БМТ ҳомийлигида иш бошлаган инсоният ҳаёти муаммоларига бағишланган анжуманда Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардан келган ижтимоий соҳа вазирликларининг ходимлари, олимлар ва журналистлар иштирок этишмоқда.**

- **Германиянинг шарқий қисмида ишсизликнинг жадал ўсиб бориши бу давлатни Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасида ишсизлар сонига кўра биринчи ўринга чиқариб қўйди.**

- **Финляндияда юз берган темир йўл ҳалокати натижасида 10 киши ҳалок бўлди ва ўнлаб одамлар жароҳат олди.**

Jarayon

АТТЕСТАЦИЯ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ини амалга татбиқ этиш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Уларнинг давоми сифатида куни кеча биринчи босқичи якунланган раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказиш тадбирини ҳам кўрсатиш мумкин.

Ангрен шаҳрида ҳам ушбу хайрли тадбир якунига етди. Хўш, у қандай ўтди? Натижалар-чи?

Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфида 1995 йили 36 та мактаб, 25 та болалар боғчаси, 5 та мактабдан ташқари муассаса, 2 та янги турдаги мактаб-лицей мавжуд бўлган бўлса, 1997 йил бу кўрсаткич (47 та мактаб, 52 та болалар боғчаси, 11 та мактабдан ташқари муассаса, 4 та янги турдаги муассаса) бир мунча ўсди. Демак, мактаблар сони ошгандан сўнг раҳбарларга ҳам талаб ошади. Маълумки, раҳбарларнинг аттестацияда фақат билимигина синалмайди. Балки жамоасининг тутган ўрни, натижалари ҳам ҳисобга олинади. Бу борада Ангрен шаҳар мактаблари кўрсаткичларини айтиб ўтиш ўринли бўларди. 1996—97 ўқув йилида шаҳар миқёсида 1067 нафар ўқувчи фан олимпиадаларига қатнашиб, 40 нафари вилоят босқичига йўлланма олишди. Улардан 15 нафари эса фахрли ўринларни қўлга киритдилар (6 та биринчи ўрин, 5 та иккинчи ўрин, 4 та учинчи ўрин) аҳамиятга молик томони ўтган йили шаҳар нафақат вилоятда, балки республикада фан олимпиадалари кўрсаткичи борасида биринчи ўринни эгаллади. Яна бир томони ушбу аттестацияда мактабларда қонунбузарликлар содир этилиши ҳам ҳисобга олинади. Бу борадаги Ангрен шаҳрининг умумий кўрсаткичи қуйидагича: 1996 йили 166та, 1997 йил 158тани ташкил этди. Энг асосийси якунланган синов аттестация қандай натижаларни қайд этди. 47 та мактаб директоридан 45 нафари ўтди. 2 та мактаб директори эса 6 ой муҳлатга шартли равишда ўз ишида қолдирилди. 52 та болалар боғчасидан 42 та мудира аттестациядан ўтди. Улардан эса 4 нафари шартли равишда, 6 нафар болалар боғчалари мудиралари аттестацияга қатнашмаган.

(Давоми 2-бетда)

Касб-ҳунар эгаси нафақат ўз оиласига, балки барчанинг хонадонига файзу барака, фаровонлик бахш этади. Оқтош шаҳридаги касб-ҳунар мактабида тайёрланаётган телерадиоаппаратуралар усталари ҳам айнан шу ниятда қунт билан ушбу ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Суратда: гуруҳ раҳбари Нурсаид БЕРДИЕВ ўқувчилар билан амалий машғулот олиб бормоқда.

И. РАҲМАТОВ олган сурат.

Мактабимизда ота-оналар йиғилиши ўтказилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ота-оналар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Сўнгра ҳар бир синф бўйича ота-оналар ўқуви ташкил этилди.

Бизда болаларни мактабга тайёрлаш маркази ишлаб турибди. Унда ҳафтанинг 6 кунида болаларни мактабга тайёрлаш, ўқитиш, ўргатиш учун маслаҳатлар берилади. Таътил кунларида болалар ўқитилади, ўқувчиликка тайёрланади.

Илғор тажрибаларни ўрганувчи «Илҳом» ижодий гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда. Олий тоифали француз тили ўқитувчиси Т. Мирзахўжаев, биринчи тоифали ўқитувчилар З. Умарова,

БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

М. Аҳмедова, Р. Садихонова кабилар илғор педагогик усулларни дарс жараёнига сингдирмоқдалар. Бошланғич синф ўқитувчиси Равзахон Садихоновaнинг иш усуллари 1997 йилда туман миқёсида оммалаштирилди.

1997 йилда 11-синфни 68 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг 19 нафари олий ўқув юртларига, 21 нафари техникумларга, 11 нафари билим юртларига, қолганлари ишлаб чиқаришга йўл олишди.

Мактаб ёш авлодни камолга етказади. Унинг вазифаси янада кўпайди. Лекин биз бундан чўчимаслигимиз керак.

Ш. УМАРОВ,
Наманган туманидаги
Акмал Икромов
номидаги 22-ўрта
мактаб директори

Fikr, mulohaza, taklif

ЎҚУВЧИНИ БИЛИШ АҲАМИЯТИ

Мустақил республикамизнинг порлоқ, нурафшон келажаги бугунги авлоднинг қанчалик ўқимишли, билимдон, маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишига боғлиқ. Ҳозирги ёшларни ана шундай юксак даражада тарбиялаш биз халқ таълими ходимлари зиммасига ғоят катта масъулият юклайди. «... Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади», — деди йўлбошчимиз Ислом Каримов республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида. Шу сўзларни ўқиб, таълимнинг пойдевори бошланғич синфлардир, деган гап нақадар ҳаққоний айтилганлиги хаёлимдан ўтди. Шу ўринда мен бошланғич синф ўқувчиларининг ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб чиқишлари ва келгусида жамиятимизнинг илғор кишилари қаторидан ўрин олишлари, уларга таълим-тарбия бераётган муаллимларнинг билими, савияси, тажрибасига боғлиқлиги тўғрисида ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Маълумки, республикамизда педагогика билим юртлари жуда кўп. Уларда бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлайдиган бўлимлар бор. Шу бўлимларни битириб чиқаётган ёшлар туман халқ таълими бўлимлари ва мактаб раҳбарлари ихтиёри билан ишга қабул қилинадилар. Кўпинча, битирувчилар 1 ва 2-синфларга ўқитувчи этиб тайинланадилар (Ўтган йилларда айрим олий ўқув юртлари қошида бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлайдиган пуллик курслар очилиб, уларни анчагина йигит-қизлар тугаллаб чиқдилар ва биринчи синфларда муаллимлик қилишди. Янги ўқув йилида курсни тугаллаган ёшларнинг бошланғич синфларда дарс беришларига рухсат этилмади).

Кўряпсизки, икки-уч йилгина бурун 9 ва 11-синф-

(Давоми 3-бетда)

Yangi kitoblar

ТАЛАБАГА ТАВСИЯ

Одатда биринчи курс талабаларининг аксарияти олий мактабда ўқиш жараёни ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлмайди. Ана шу жиҳатдан қаралганда Тошкент Молия институти ўқув ишлари бўйича ректор муовини, профессор З.Йўлдошевнинг «Биринчи курс талабалари учун услубий қўлланма» рисоласи ўз вақтида чоп этилган муносиб қўлланмадир.

Мазкур ўқув қўлланмани ёзишдан кўзланган мақсадни муаллиф **«Юқори малакали иқтисодчи касбини эгаллаш йўлидаги ўқиш ўрта мактабдаги ўқишдан анча қийин ва мураккаб бўлиб талабадан кўп вақт, катта ижодий меҳнат талаб қилади»**, — дея тўғри таъкидлаган ва олий мактабда ўқиш билан, ўрта мактабдаги ўқишнинг асосий бешта фарқини кўрсатиб берган.

Маълумки, олий ўқув юртида маъруза машғулоти ўқув жараёнининг асосий ва етакчи шаклидир. Шу боисдан ўқув режада маърузалар ўқув вақтининг қарийб 40 фоизини ташкил этади. Шунинг учун рисолада маъруза машғулотларига кенг ўрин берилган. Чунончи **«Маъруза тинглаш ва ёзиб олиш»** бўлимида маърузанинг ўқув жараёнидаги ўрни, тарбиявий аҳамияти, талабанинг ижодий қобилиятини ривожлантирувчи ва мустақил ишларнинг асосий йўналишларини, мазмунини белгилаб берувчи асосий восита эканлиги, **«ҳеч қандай дарслик, ўқув қўлланмаси, ўқув-техника воситалари ва бошқалар ижодий, педагогик маҳорат билан ўқиладиган жонли маърузалар ўрнини боса олмаслиги»** кенг ёритилган. Рисолада **«Талаба маъруза тинглашга ва уни ёзиб олишга тайёрми? Маърузадан олдин, маъруза жараёнида, маърузадан кейин нима қилиш кераклигини биладими?»** — каби қатор саволлар қўйилган. Бу саволларга **«Бозор муносабатларини шакллантиришнинг Ўзбекистон модели»** мавзусидаги маъруза мисолида аниқ ва лўнда жавоб қайтарган. Шунингдек, муаллиф маъруза жараёнида домла билан талаба ўртасидаги ижодий боғланиш, ўқитувчининг педагогик маҳорати тўғрисидаги бой тажрибаси билан ўртоқлашади.

Рисоланинг кейинги бўлими **«Семинар машғулотларга тайёрланиш»** деб аталади. Бу бўлимда **«Семинар»** сўзининг этимологик мазмуни, унинг ўқув тарбиявий жараённи ташкил этишдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда турлари ёритилган. Шунингдек, конкрет мавзу бўйича талабанинг семинарга тайёрланиш жараёни босқичлари келтирилган.

Китоб билимлар манбаи, инсон томонидан билим, кўникма ва муайян малакалар тизимини эгаллаш калитидир. Лекин ҳозирги вақтда талабалар китобни камроқ ўқийдиган бўлиб қолишди, аниқроғи китоб устида ишлашни билмайдилар. Шунинг учун бўлса керак рисолада **«Китоб устида ишлаш»** номли алоҳида бўлим мавжуд. Муаллиф ушбу бўлимда, талабанинг китоб билан ишлаш бўйича кўникмасини қандай шакллантириши мумкинлиги, уни босқичлари, «цитата» кўчириб ёзиш қоидалари ҳақида батафсил фикр юритади.

Тошкент Молия институтида 1992 йилдан буён талабаларнинг билимлари рейтинг-тест тизими асосида баҳоланади. Бу соҳада маълум ижобий тажриба тўпланган. Қўлланманинг кейинги бўлимларида ушбу тажриба илмий асосда умумлаштирилган, шунингдек институтнинг ички тартиб қоидалари, талабалар томонидан қолдирилган дарсларни ўзлаштириш тартиби, талабанинг иш куни ва вақтини режалаштириш тўғрисида маълумотлар берилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу услубий қўлланма, гарчи Молия институтининг биринчи курс талабаларига мўлжалланган бўлса ҳам, ундан барча институт ва бошқа курс талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

М.РАЕМОВ,
Тошкент Молия
институти доценти

ТАНИШИНГ: ФАНЛАР БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ 2-бет

БАРЧАГА БИРДЕК МУҲИМ 3-бет

СЎЗЛАРНИ ЎЗ ЎРНИДА ИШЛАТАЙЛИК 3-бет

ЯНГИЧА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ВА ЖАДИДЛАР 3-,4-бетлар

ҲАРБИЙ ОРКЕСТР КЕРАКМИ? 4-бет

ХАБАРЛАРИ

ҲИММАТ

Таниқли қорақалпоқ ёзувчиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жубатхон Муротбоевни кўплар саховатпеша инсон сифатида тилга оладилар. Яқинда у Қораўзак туманидаги 8-ўрта мактабнинг кам таъминланган ўқувчиларига 40 минг сўмлик совға улашди. Узи ёзган бадиий асарларини мактаб кутубхонасига тортиқ этди.

Ғойиб ЁҚУБОВ

ONAJONIM — JAHONIM

Ilk bahor ayyomi bo'lgan xotin-qizlar bayrami munosabati bilan Kattaqo'rg'on tumanidagi 28-o'rta maktabda sinflararo «Onajonim-jahonim» deb nomlangan ma'naviyat darslari musobaqasi bo'lib o'tdi.

O'quvchilar mehribon onalarimizni madh etuvchi she'r, qo'shiq, albomlarini tayyorlashdi.

Musobaqa 5-«B» sinf o'quvchilarining juda faol ishtirok etganliklari hay'at a'zolari tomonidan yuksak baholandi.

Aziza BOYMURODOVA

O'ZBEKISTON — VATANIM MANIM

Joylarda «O'zbekiston — Vatanim manim» qo'shiqlar ko'rik-tanlovining dastlabki bosqichi boshlanib ketdi.

O'rta Chirchiq tumanidagi 30-maktabda ham tanlovning hududiy bosqichi bo'lib o'tdi va unda tumandagi 12, 13, 43, 9, 79-maktab a'zolari qatnashishdi.

Qizg'in bellashuvlar so'nggida 30-maktabning geografiya fani o'qituvchisi Otabek Altaev g'olib chiqdi.

Dilshod ABDULLAEV

КИЧКИНТОЙЛАРГА «БЕШ» БАҲО

Юртимизда улуғ айём — Наврўз тараддуди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Юлдузча» болалар боғчасида ҳам кичкинтойларнинг «Ҳамробувиникида меҳмонда» деб номланган театрлаштирилган саҳна кўриниши премьераси бўлиб ўтди.

Наврўз анъаналари, гул базми айтишувлари, болалар уйинларини кичик «актёрлар» маҳорат билан ижро этишди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА

Olimpiada—98:

БУ ЙИЛГИ БЕЛЛАШУВДА ҲАМ МЎЪЖИЗАЛАР БЎЛАДИМИ?

Жойларда ўтган йилги олимпиада якунлари чуқур таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилгани аниқ. Бироқ «Ким ёки қайси вилоят ғолиб бўлар экан?», Наманганлик ўқувчилар яна бир бор ўзига хос «сир»ларини ошкор этармиканлар? Умуман бу гал кимга омад кулиб боқади?

Бу каби саволларга 25—30 март кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган фанлар бўйича Республика олимпиадасининг тўртинчи ҳал қилувчи босқичида жавоб топилади. Унда ҳар бир ўқув фани бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри олимпиадасида 1-ўринни эгаллаган 11-синф, шунингдек, ҲБЮ битирувчи курс ўқувчилари қатнашадилар.

Умумтаълим фанларидан Республика олимпиадасининг IV босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ўғил-қизларнинг 24 март куни Тошкентга етиб келишлари инобатга олиниб, тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаяпти. Газетамиз ходимлари ҳам иқтидорлилар баҳсини кенг кўламда ёритишни мўлжаллаб туришибди.

Низомга биноан, ўтган йилдагидек, қорақалпоқ тили ва адабиёт фанидан 76—100 балл тўплаган биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган ўқувчилар имтиёзли гувоҳнома оладилар.

Газетамизнинг шу йил 28 февраль сонида берилган «Синов кунлари яқин» сарлавҳали хабарда ваъда қилганимиздек, 1998 йил январь ойида белгиланган умумтаълим фанларидан ўтказилган фан олимпиадаларининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, республика олимпиадасида иштирок этадиган ўқувчилар рўйхатини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз. Марҳамат, танишинг!

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА 1998 ЙИЛ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎҚУВЧИЛАР РЎЙХАТИ

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Алламберганова Нодира** — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тум. 11-мактаб.
2. **Қодирова Нигорахон** — Андижон в. Избоскан тум. 11-мактаб.
3. **Сафоева Садоқат** — Бухоро в. Ғиждувон тум. 29-мактаб.
4. **Эшаев Шодиёр** — Жиззах в. 1-вилоят лицейи.
5. **Абдуҳакимов Фазлиддин** — Қашқадарё в. Шаҳрисабз ш. 1-мактаб.
6. **Махсудов Анваржон** — Наманган ўзбек-турк лицейи.
7. **Аблоқулов Отабек** — Самарқанд ДЧТИ. ўзбек-турк лицейи.
8. **Мейрбекова Асема** — Сирдарё в. Сирд тум. 12-мактаб.
9. **Тоғаймуродова Раъно** — Сурхондарё в. Сариосиё касб-ҳунар лицейи.
10. **Утбасув Элёр** — Тошкент в. Ангрен ш. ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
11. **Ҳайдарова Шаҳноза** — Тошкент ш. Респ. Нафиссанъат лицейи.
12. **Расулова Азизахон** — Фарғона в. Қўқон ш. 15-мактаб.
13. **Бабажанов Раҳматулла** — Хоразм в. Урганч ш. ўзбек-турк лицейи.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Алламуратова Зуҳра** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тум. 3-мактаб.
2. **Шамшиева Мунира** — Қорақалпоғистон Республикаси. Қўнғирот тум. 19-мактаб.
3. **Айдасова Гоззал** — Қорақалпоғистон Республикаси. Қўнғирот ш. 8-мактаб.

ЎЗБЕК ТИЛИ (иккинчи тил) фани бўйича

1. **Еримбетова Бернара** — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тум. 10-мактаб.
2. **Прокаев Денис** — Андижон в. Марҳамат тум. 39-мактаб.
3. **Бакаева Манзура** — Бухоро в. Ф. Хўжаев тум, 2-мактаб.
4. **Жумабеков Меирбек** — Жиззах в. Фориш тум. 59-мактаб.
5. **Пўлатова Шаҳноза** — Қашқадарё в. Шаҳрисабз ш. 3-мактаб.
6. **Низамиева Альбина** — Навоий в. Қизилтепа тум. 1-мактаб.
7. **Абдуллаев Дониёр** — Наманган в. Янгиқўрғон тум. 10-мактаб.
8. **Аминова Севара** — Самарқанд в. Каттақўрғон ш. 3-мактаб.
9. **Хамраева Барно** — Сирдарё в. Оқолтин тум. 12-мактаб.
10. **Сулейманова Сайёра** — Сурхондарё в. Денов ш. 1-мактаб.
11. **Нурушова Нилуфар** — Тошкент ш. Чилонзор тум. 103-мактаб.
12. **Сабирова Гулсара** — Фарғона ш. Жаҳон тиллари гимназияси.
13. **Юсупова Умида** — Хоразм в. Урганч ш. 3-мактаб.

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНИ БЎЙИЧА (ўзбек гуруҳларида)

1. **Утенбергенова Кизларгул** — Қорақалпоғистон Республикаси. Қораўзак тум. 31-мактаб.
2. **Қўчқорова Зулфизар** — Андижон в. Охунбобоев ш. 1-лицей-интернати.
3. **Базарова Малика** — Бухоро в. Қоровулбозор тум. 1-мактаб.
4. **Расулова Дилфуза** — Жиззах в. Зарбдор тум. Ш. Рашидов номли 1-мактаб.
5. **Хидирова Шаҳлохон** — Қашқадарё в. Яккабоғ тум. Ойбек номли 75-мактаб.
6. **Нуруллаева Гулмира** — Навоий в. Навоий тум. 9-мактаб.
7. **Эргашев Зафарбек** — Наманган в. Норин тум. Иқтидорли болалар лицейи.
8. **Шодиева Замира** — Самарқанд в. Гўзалкент тум. 5-мактаб.
9. **Джунаева Дилдора** — Сирдарё в. Гулистон тум. 1-мактаб.
10. **Ашурова Нилуфар** — Сурхондарё в. Сариосиё касб-ҳунар лицейи.
11. **Асқархўжаева Мовлуда** — Тошкент в. Оққўрғон тум. Оққўрғон лицей-интернати.
12. **Тажиева Зарифа** — Тошкент ш. Республ. Нафис-санъат лицейи.
13. **Бадриддинов Дилмурод** — Фарғона в. Бағдод тум. иқтидорли ўғил болалар лицей-интернати.
14. **Нуруллаева Камола** — Хоразм в. Урганч ш. 25-мактаб.

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНИ БЎЙИЧА (рус гуруҳларида)

1. **Павлик Екатерина** — Андижон в. Андижон ш. 1-мактаб.
2. **Музаффарова Ситора** — Бухоро ш. Ф. Хўжаев тум. 2-мактаб.
3. **Рябченко Ирина** — Жиззах в. Мирзачўл тум. 1-мактаб.
4. **Семикова Оксана** — Қашқадарё в. Шаҳрисабз ш. 6-мактаб.
5. **Дементьева Анна** — Навоий ш. 4-гимназия-мактаби.
6. **Вафаева Тамиля** — Наманган ш. Нам. 25-сонли саноат-технология институти лицей-интернати.
7. **Салихова Юля** — Самарқанд в. Каттақўрғон ш. 3-мактаб.
8. **Чен Константин** — Сурхондарё в. Музрабод тум. 21-мактаб.
9. **Ким Виктория** — Тошкент в. Ангрен ш. 33-мактаб.
10. **Ибрагимова Инесса** — Тошкент ш. Миробод тум. 158-мактаб.
11. **Минакова Надежда** — Фарғона ш. Жаҳон тиллари гимназияси.
12. **Цой Владислав** — Хоразм в. Урганч ш. 3-мактаб.

ҚОЗОҚ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Боспанова Роза** — Қорақалпоғистон Республикаси. Тўрткўл тум. 30-мактаб.
2. **Нурмуратова Амина** — Бухоро в. Пешку тум. 24-мактаб.
3. **Сапарбекова Айнур** — Жиззах в. Зафаробод тум. 4-мактаб.
4. **Раҳманбердиева Сандугаш** — Навоий в. Конимех тум. 8-мактаб.
5. **Таджинова Гулмира** — Самарқанд в. Каттақўрғон тум. 52-мактаб.
6. **Утегенова Лаззат** — Сирдарё в. Сайхунобод тум. 9-мактаб.
7. **Илесбаева Гульмира** — Тошкент в. Юқори Чирчиқ тум. 25-мактаб.
8. **Майлибаева Сапаргул** — Хоразм в. Дружба ш. 5-мактаб.

ТОЖИК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Жумаева Нодира** — Бухоро в. Пешку тум. 8-мактаб.
2. **Ҳикматова Насиба** — Жиззах в. Фориш тум. 14-мактаб.
3. **Холмурзаев Дилмурод** — Қашқадарё в. Деҳқонобод тум. 56-мактаб.
4. **Солиҳов Нурулло** — Навоий в. Нурота тум. 43-мактаб.
5. **Сатторова Азизажон** — Наманган в. Косонсой тум. 15-мактаб.
6. **Алиева Саодат** — Самарқанд в. Самарқанд тум. 12-мактаб.
7. **Нурмуллаева Муножат** — Сирдарё в. Сайхунобод тум. 28-мактаб.
8. **Назарова Нигора** — Сурхондарё в. Сариосиё тум. 12-мактаб.
9. **Юлдашева Нигина** — Тошкент в. Ангрен ш. 17-мактаб.
10. **Ахмедов Пайрав** — Фарғона в. Сўх тум. 1-иқтидорли болалар лицейи.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Жаримбетова Алтиной** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри 34-мактаб.
2. **Бегунова Светлана** — Андижон в. Андижон ш. 1-гимназия.
3. **Абдуллаева Феруза** — Бухоро в. Бухоро ш. 2-мактаб.
4. **Иргашев Беҳзод** — Жиззах в. 1-вилоят лицейи.
5. **Буранова Валерия** — Қашқадарё в. Қарши ш. 1-гимназия.
6. **Скиданова Наталья** — Навоий в. Зарафшон ш. 1-мактаб.
7. **Турғунов Шахриёр** — Наманган в. ўзбек-турк лицейи.
8. **Долиев Рашид** — Самарқанд в. ДЧТИ ўзбек-турк ўғил болалар лицейи.
9. **Кан Анжела** — Сирдарё в. Янгиер ш. 6-мактаб,
10. **Авазов Бобомурод** — Сурхондарё в. Сариосиё тум. 1-лицейи.
11. **Момунов Розимурод** — Тошкент в. ДАУ, ўзбек-турк лицей-интернати.
12. **Наджафов Асқар** — Тошкент ш. Миробод тум. 294-мактаб.
13. **Рустамов Хуршид** — Фарғона в. Фарғона ш. ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
14. **Ахмедов Бердибек** — Хоразм в. Урганч ш. ўзбек-турк лицейи.

НЕМИС ТИЛИ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Жуламанова Маншук** — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли ш. 32-мактаб.
2. **Артиков Акмалжон** — Андижон в. АДПИ хорижий тиллар лицейи.
3. **Камалова Азиза** — Бухоро ДУ ихтисослаштирилган лицейи.
4. **Искандарова Нилуфар** — Жиззах в. Бахмал тум. 4-вилоят лицей-интернати.
5. **Омонова Наргиза** — Қашқадарё в. Нишон тум. 1-мактаб.
6. **Раҳматов Равшан** — Наманган в. Чуст тум. 40-мактаб.
7. **Эсфельд Кристина** — Самарқанд в. Боғишамол тум. 45-гимназия-мактаб.
8. **Ташпулатова Робияхон** — Сирдарё в. Гулистон тум. 15-мактаб.
9. **Имамова Соҳибжамол** — Сурхондарё в. Термиз ш. 2-мактаб.
10. **Ли Татьяна** — Тошкент в. Юқори Чирчиқ тум. 34-мактаб.
11. **Боровина Наталья** — Тошкент ш. Юнусобод тум. 246-мактаб.
12. **Зиннурова Аида** — Фарғона в. Марғилон ш. 6-мактаб.
13. **Тургуналиева Гулжан** — Хоразм в. Дружба ш. 4-мактаб.

ФРАНЦУЗ ТИЛИ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Бабажонова Гулнафар** — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тум. 6-мактаб.
2. **Камалова Барчиной** — Андижон в. Жалолқудуқ тум. 7-тиллар лицей-интернати.
3. **Саидова Шаҳло** — Бухоро в. Ғиждувон тум. 3-иқтидорли болалар мактаб-интернати.
4. **Маҳмудхонова Наргиза** — Жиззах в. Зафаробод тум. 8-мактаб.
5. **Бўриев Элдор** — Қашқадарё в. Ғузор тум. 50-мактаб.
6. **Короматова Холидахон** — Наманган в. Янгиқўрғон тум. 26-мактаб.
7. **Рахимова Гулсанам** — Самарқанд в. Жомбой тум. 2-мактаб.
8. **Ражапова Ҳабиба** — Сурхондарё в. Ангор тум. 3-мактаб.
9. **Сайдазимов Жамшид** — Тошкент в. Бўстонлиқ тум. 19-мактаб.
10. **Зуфаров Дилшод** — Тошкент ш. Юнусобод тум. 51-гимназия.
11. **Пазилова Шукура** — Фарғона в. Фарғона ш. 3-мактаб.
12. **Эриметова Нафиса** — Хоразм в. Янгибозор тум. 9-вилоят лицей-интернати.

МАТЕМАТИКА ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Медетов Сайткамал** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ш. ҚМУ лицейи.
2. **Дадабеков Абдувоҳиджон** — Андижон в. Шаҳрихон тум. 22-лицей-интернати.
3. **Олимов Ашрафбек** — Бухоро в. Шофиркон тум. 128-лицей-интернати.
4. **Холиқулов Анвар** — Жиззах в. Бахмал тум. 4-вил. лицей-интернати.
5. **Мирзаев Муҳиддин** — Қашқадарё в. Китоб тум. лицей-интернати.
6. **Байкишев Дамир** — Навоий в. Навоий шаҳри, 1-гимназия.
7. **Халилов Алишер** — Наманган вилоят лицейи.
8. **Ким Ирина** — Самарқанд в. Темирйўл тум. 29-мактаб.
9. **Ташқулов Джамолиддин** — Сирдарё вил. Боёвут тум. лицей-интернати.
10. **Нормаматова Зебинисо** — Сурхондарё в. Бойсун тум. 13-лицей-интернати.
11. **Ибрагимов Анвар** — Тошкент в. Ангрен ш. ўзбек-турк ўғил болалар лицейи.
12. **Хабас Александр** — Тошкент шаҳри. М. Улуғбек тум. 50-гимназия.
13. **Қурбонов Ёрқинжон** — Фарғона в. ўзбек-турк ўғил болалар лицейи.
14. **Уразметов Музаффар** — Хоразм в. Қўшкўпир тум. 4-лицей-интернати.

ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Алдамуродов Жомарт** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри 7-Нукус-турк лицейи.
2. **Бакиров Мансуржон** — Андижон в. Марҳамат тум. 3-лицей.
3. **Қиёмов Рустам** — Бухоро в. Шофиркон тум. 128-лицей-интернати.
4. **Эрбўтаев Ойбек** — Жиззах в. 1-вилоят лицейи.
5. **Эрданов Нодирбек** — Қашқадарё в. Ғузор тум. лицей-интернати.
6. **Денисов Дмитрий** — Навоий в. Навоий ш. 4-гимназия.
7. **Маҳмудов Азим** — Наманган в. ўзбек-турк лицейи.
8. **Орзибеков Камол** — Самарқанд ДЧТИ ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
9. **Хўжамияров Мақсуд** — Сурхондарё в. Қумқўрғон тум. 53-мактаб.
10. **Мугаттаров Симар** — Сирдарё в. Гулистон шаҳар 11-мактаб.
11. **Насиров Эмиль** — Тошкент в. Ангрен ш. 33-мактаб.
12. **Даин Владислав** — Тошкент ш. Мирзо Улуғбек тум. 50-гимназия-мактаб.
13. **Бирюков Борис** — Фарғона в. иқтидорли болалар махсус илмий-тадқиқот мактаби.
14. **Юсупов Жамбул** — Хоразм в. Ҳазорасп тум. 1-лицей-интернати.

БИОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Оганесян Вадим** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ш. 37-лицейи.
2. **Холматова Хуршидахон** — Андижон в. Марҳамат тум. 15-мактаб.
3. **Шадманова Сидиқа** — Бухоро в. БДУ лицейи.
4. **Имамов Бобир** — Жиззах в. Жиззах тум. 36-мактаб.
5. **Саидова Хуршида** — Қашқадарё в. Қарши ш. 2-мактаб.
6. **Гетманова Оксана** — Навоий в. Навоий ш. 4-гимназия.
7. **Арипов Рашидхон** — Наманган в. ўзбек-турк лицейи.
8. **Холмуҳамедов Анвар** — Самарқанд в. СамДУ лицей-интернати.
9. **Кузибоева Насиба** — Сирдарё в. Гулистон ш. 3-мактаб.
10. **Чориева Муяссар** — Сурхондарё в. Ангор тум. 28-мактаб.
11. **Болтаев Қаҳрамон** — Тошкент в. Ангрен ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
12. **Натанзон Михаил** — Тошкент ш. Яккасарой тум. 160-мактаб.
13. **Абдуллаева Севарахон** — Фарғона ш. Умумтаълим комплекси.
14. **Шарипов Сотимбой** — Хоразм в. Янгиариқ тум. 36-лицей-интернати.

КИМЁ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Джумамуратова Айимхон** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ш. 2-лицей-интернати.
2. **Жамалова Нафисахон** — Андижон в. Пойтуғ ш. 8-лицей-интернати.
3. **Шарипов Музаффар** — Бухоро в. Бухоро Давлат Университети лицейи.
4. **Ваққосов Собир** — Жиззах в. Фориш тум. 78-мактаб.
5. **Камилов Актам** — Қашқадарё в. Китоб тум. лицей-интернати.
6. **Агапов Дмитрий** — Навоий в. Навоий ш. 4-гимназия.
7. **Хамидов Зафаржон** — Наманган в. Поп ш. 50-гимназия-лицейи.
8. **Хамидов Хайрулло** — Самарқанд в. ДЧТИ ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
9. **Бердияров Мурод** — Сирдарё в. Ховос тум. 1-махсус мактаб-интернати.
10. **Турсунова Мухлиса** — Сурхондарё в. Узун тум. 4-лицей-интернати.
11. **Азизов Абдулатиф** — Тошкент в. Ангрен ш. ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
12. **Тен Владислав** — Тошкент ш. Яккасарой тум. 89-мактаб.
13. **Муродов Зарифжон** — Фарғона в. Қўқон ш. иқтисод лицейи.
14. **Ишчанов Анварбек** — Хоразм в. Урганч тум. 45-лицей-интернати.

ГЕОГРАФИЯ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Урманова Роза** — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тум. 10-мактаб.
2. **Низомиддинова Феруза** — Андижон в. Жалолқудуқ тум. 15-мактаб.
3. **Носиров Акмал** — Бухоро в. Бухоро ўзбек-турк лицейи.
4. **Дусманов Фарход** — Жиззах в. 1-вилоят лицейи.
5. **Жумаева Шахноза** — Қашқадарё в. Ғузор тум. Жаҳон тиллар лицей-интернати.
6. **Халилова Ҳафиза** — Навоий в. Нурота тум. 36-мактаб.
7. **Норинова Манзура** — Наманган в. Чуст тум. 31-мактаб.
8. **Рузиев Асқаржон** — Самарқанд в. ДЧТИ ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
9. **Овлакимов Нуриддин** — Сирдарё в. Боёвут тум. лицей-интернати.
10. **Хурсанов Жуманазар** — Сурхондарё в. Термиз ш. ўзбек-турк лицейи.
11. **Ниязов Умид** — Тошкент в. ДАУ 1-ўзбек-турк лицей-интернати.
12. **Рахимов Шуҳрат** — Тошкент ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
13. **Эминов Мўйдинжон** — Фарғона в. Охунбобоев тум. 1-лицей-интернати.
14. **Жуматова Райҳон** — Хоразм в. Гурлан тум. 40-лицейи.

ИНФОРМАТИКА ВА ЭҲМ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Изимбетов Алибек** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ш. 37-лицейи.
2. **Норматов Турсунбой** — Андижон в. Охунбобоев ш. 1-лицейи.
3. **Адизов Ойбек** — Бухоро ш. ўзбек-турк лицейи.
4. **Эгамқулов Наим** — Жиззах в. Зарбдор тум. лицей-интернати.
5. **Соатов Ўткир** — Қашқадарё в. Ғузор тум. лицей-интернати.
6. **Бойко Александр** — Навоий в. Зарафшон ш. 1-мактаб.
7. **Дехканов Шухрат** — Наманган в. ўзбек-турк лицейи.
8. **Шавқиев Музаффар** — Самарқанд в. Каттақўрғон тум. 5-мактаб.
9. **Эркабоев Алишер** — Сирдарё в. Гулистон тум. лицей-интернати.
10. **Мирзоев Манучеҳр** — Сурхондарё в. Сариосиё тум. Шарғун ш. 1-лицей-интернати.
11. **Алимов Санджар** — Тошкент в. Республика иқтисодиёт ўзбек-турк лицейи.
12. **Азларов Акромходжа** — Тошкент ш. Шайхонтоҳур тум. 40-лицейи.
13. **Рашидов Абдуҳалил** — Фарғона ш. ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
14. **Ражабов Адҳам** — Хоразм в. Шовот тум. 1-лицейи.

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Тлеумуратов Мамбетбай** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ш. 2-лицей-интернати.
2. **Гафуров Ботиржон** — Андижон в. 2-гимназия.
3. **Алимов Санжар** — Бухоро ш. ўзбек-турк лицейи.
4. **Набиев Собир** — Жиззах в. 1-вилоят лицейи
5. **Хакимов Ғуломжон** — Наманган иқтисодий юридик лицейи.
6. **Умаров Санжар** — Самарқанд в. Пахтачи тум. 37-мактаб.
7. **Кенжаев Жасур** — Сирдарё в. Боёвут тум. 30-мактаб.
8. **Бақиева Умида** — Сурхондарё в. Сариосиё тум. 32-мактаб.
9. **Мирзабаев Саъдулла** — Тошкент в. Пискент тум. 4-мактаб.
10. **Қаҳҳоров Санжар** — Тошкент ш. Юнусобод тум. 258-юридик лицейи.
11. **Матусмонова Сайёрахон** — Фарғона в. Бувайда тум. 2-вилоят лицейи.
12. **Авезова Барно** — Хоразм в. Қўшкўпир тум. 4-вилоят лицей-интернати.

ТАРИХ ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Нуржанов Асилбек** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ш. Нукус-турк 7-лицейи.
2. **Ахмедов Азизбек** — Андижон в. Андижон тум. 10-лицейи.
3. **Мансуров Муҳиддин** — Бухоро в. Ғиждувон тум. 4-мактаб.
4. **Худанов Талъат** — Жиззах в. 1-вилоят лицейи.
5. **Умаров Шерзод** — Қашқадарё в. Қарши ш. 3-мактаб.
6. **Камбаралиев Жаҳонгир** — Наманган в. Учқўрғон ш. лицейи.
7. **Ҳайдаров Отабек** — Самарқанд в. Каттақўрғон ш. 11-мактаб.
8. **Насиров Фуркат** — Сирдарё в. Боёвут тум. лицей-интернати.
9. **Холиқов Тўлқин** — Сурхондарё в. Қизириқ тум. 2-мактаб.
10. **Алимкулов Фаррух** — Тошкент в. Ангрен ўғил болалар ўзбек-турк лицейи.
11. **Раҳимов Саидамирхон** — Тошкент ш. Юнусобод тум. 258-мактаб.
12. **Акрамов Акмалхон** — Фарғона в. Марғилон ш. гимназия.
13. **Жуманиязов Руслан** — Хоразм в. Шовот тум. 1-лицейи.

ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИ БЎЙИЧА

1. **Сактаганов Ахметбек** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ш. 7-Нукус-турк лицейи.
2. **Ғойматов Камолиддин** — Андижон в. Марҳамат тум. 18-мактаб.
3. **Тошов Муроджон** — Бухоро в. Қоракўл тум. 19-мактаб.
4. **Абдувалиев Комилжон** — Жиззах в. Зомин тум. 1-гимназия.
5. **Розиқов Фаррух** — Қашқадарё в. Китоб тум. 49-мактаб.
6. **Салахова Рина** — Навоий в. Зарафшон ш. 3-мактаб.
7. **Бабаев Элёр** — Наманган в. Учқўрғон тум. Тиббиёт лицейи.
8. **Аблоқулов Абдурасил** — Самарқанд в. Каттақўрғон тум. 11-мактаб.
9. **Мингбоев Отабек** — Сурхондарё в. Сариосиё тум. Шарғун ш. 1-лицей-интернати.
10. **Иноятова Нодира** — Сирдарё в. Сирдарё тум. 7-мактаб.
11. **Матросов Александр** — Тошкент в. Янгийўл ш. 10-мактаб.
12. **Хуснулин Марсель** — Тошкент ш. Ҳамза тум. 151-мактаб.
13. **Тоштемиров Аброржон** — Фарғона в. Фарғона тум. 45-мактаб.
14. **Ертлесова Тарбия** — Хоразм в. Дружба ш. 5-мактаб.

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНИ БЎЙИЧА (махсус мактаб-интернатларидан)

1. **Ахмедова Малика** — Наманган в. Косонсой ш. 45-мактаб-интернати.
2. **Косимова Мухайёхон** — Андижон в. Асака тум. 16-мактаб-интернати.
3. **Махамматов Зокир** — Самарқанд 59-мактаб-интернати.
4. **Мухамедова Ҳилола** — Тошкент ш. Й. Охунбобоев номли мактаб-интернати.
5. **Сафарбоев Сафарали** — Бухоро в. 24-мактаб-интернати.

МАТЕМАТИКА ФАНИ БЎЙИЧА (махсус мактаб-интернатларидан)

1. **Абдурахманов Илҳом** — Тошкент ш. Й. Охунбобоев ном. мактаб-интернати.
2. **Ахмедов Дилшод** — Бухоро в. 24-махсус мактаб-интернати.
3. **Гофуров Аюбхон** — Наманган в. Косонсой ш. 45-мактаб-интернати.
4. **Ғуломов Садриддин** — Андижон в. Асака тум. 16-мактаб-интернати.
5. **Эшмурадов Улмас** — Самарқанд 59-мактаб-интернати.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Бозор иқтисодиёти шароитида боғча болаларини ҳам савдо сотиққа ўргатиш давр талаб қилаётган иқтисодий таълимнинг бир усулидир.

Бу борадаги ишлар Янгийўл тумани «Гулбаҳор» марказида жойлашган 1-болалар боғчасида ҳам намунали йўлга қўйилган.

СУРАТДА: боғча опалар болаларга савдонинг ўзига хос «сир»ларини ўргатишяпти.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат

АТТЕСТАЦИЯ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

(Боши 1-бетда)

дилар. 15 та мактабдан ташқари муассасанинг 12 та раҳбари аттестацияда яхши натижага эришишди. 3 нафар раҳбар эса сабабли равишда аттестацияга келолмади. Хўш, шартли равишда синовдан ўтган раҳбарларга қандай чора кўрилади. Бу ҳақда комиссия аъзоси, шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи Маҳмуджон Турғунбоев шундай дейди:

— Бу синов — тажриба синови бўлди. Шу сабаб аттестациядан ўтолмаган айрим раҳбарларни 6 ойлик муҳлат билан ўз ишларида қолишларига келишдик. Агар ўзгариш бўлмаса улар ишдан олиб ташланади.

Биз ушбу синов ҳақида айрим раҳбарларнинг фикрларини билмоқчи бўлдик. 37-болалар боғчаси мудираси Елена Курнешева:

— Аттестация жуда яхши ўтди. Шахсан ўзим саволлардан қониқдим. Баҳолашда ҳам холислик билан баҳоланди. Чунки комиссия аъзолари фақат таълим соҳасидан эмас, балки ҳокимиятдан ҳам тайинланган эдилар.

25-мактаб директори Шавкат Ҳасанов (шартли равишда ўтган):

— Мени ҳеч қандай норозилигим йўқ. Синовдан сўнг ўз устимда кўпроқ ишлашим кераклигини англаб етдим. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси (Таълим тизимини бошқариш»)ни, 12—30-моддаларни ҳам тўла тушуниб етмаганимни англаб етдим. Энди синовдан сўнг таълим тизимидаги ислоҳотларни тушуниб етмаган нуқталаримни ўзлаштиришга ҳаракат қиламан.

Гувоҳ бўлганингиздек, ушбу ўтган аттестациядан кўзланган мақсадга озми-кўпми эришилди. Чунки ҳар бир раҳбар ўз билимини бир бор синовдан ўтказган бўлса, айримлари ўз камчиликларини англаб етишди. Энди фақат ўша камчиликларни бартараф этишда қолди ҳамма гап.

Ҳ.АБДУРАҲМОН

ЎҚУВЧИНИ БИЛИШ АҲАМИЯТИ

(Боши 1-бетда)

ни тамомлаган ёшлар бугун мактаб остонасига илк бор қадам қўйган болаларга билим бермоқдалар. Гап шундаки, педагогика билим юртлари етказиб бераётган мутахассис мактабга келибоқ, 1-синфларга дарс ўтишлари мантиққа унчалик тўғри келмайди. Назаримизда, янги ишга келган ана шу ёшларни дастлаб, гуруҳ тарбиячилигига, агар гуруҳ бўлмаса 3 ёки 4-синфларга бириктилгани маъқул. 1—2-синфларга эса, камида 5—6 йил бошланғич синфларда дарс берган тажрибали, билимдон, айниқса, ҳуснихати чиройли муаллимлар тайинланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Оддий бир мисол. Қишлоғимиздан етишиб чиққан биринчи ўқитувчи Аҳмаджон Темиров (Оллоҳ ўзи раҳматига олган бўлсин) 60 йилдан зиёд бошланғич синфларда дарс бериб, ўтган йилнинг баҳорида оламдан ўтдилар. Ҳуснихатлари ниҳоятда чиройли бўлган бу домла болаларни ҳам ўзларига ўхшаб шошилмасдан, чиройли ёзишга даъват этардилар. Бу йўлда сира эринмасдан, сабр-тоқат ва қунт билан иш олиб бордилар. Устознинг қўлларида ўқиган ўқувчиларнинг деярли барчаси — мактабни чиройли ёзув билан, саводхон ҳолда тамомлади, десам муболаға бўлмайди. Кўплари олий ўқув юртларида таҳсил олиб, бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатишмоқда. Қишлоқдаги аксарият биринчи ҳаким, муҳандис, журналист, ҳуқуқшунос, ўқитувчи Аҳмаджон акада савод чиқариб, тарбия олган.

Ҳаётдаги кузатувларим шуни кўрсатадики, ўзи бехато ёзадиган, аммо имлоси хунук бўлган (бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳаммасиниям бир хилда чиройли ёзади, деган хулосага келиш нотўғри) муаллимда биринчи-иккинчи синфларда ўқиган болаларнинг ёзувлари ҳам устозлариникидан сира қолишмайди. Демак, устознинг ёзуви, билими қандай бўлса, шогирдлариники ҳам шундай бўлади.

Иккинчи мулоҳаза. Болаларни касб-ҳунарга йўналтириш ишига бошланғич синфларданоқ киришиш зарур, деб ҳисоблайман. Уларнинг қайси касбга қизиқишларига қараб, қобилиятларини ўстириб боришни ҳозирдан бошлаш лозим. Биринчи синф ўғил-қизлари билан ўқув йили бошида ва охирида «Катта бўлсангиз ким бўласиз?» мавзуида суҳбатлар ўтказиш ҳам дуруст натижалар бериши табиий. Шу тариқа 4-синфгача ҳар бир ўқувчининг ҳужжатлар тўплами (делоси)га тавсифнома ёзилиб, унда боланинг хулқ-атвори, кўпроқ қайси фанларни яхши ўзлаштириши-ю, қайси фанларни ёмон ўзлаштириши, бунинг сабаблари, қайси касб ёки ҳунарни ёқтириши алоҳида қайд этилса, менимча тўғри йўлдан борилган бўлади.

Тўртинчи синф ўқувчиларини қабул қилиб олган бешинчи синф раҳбари ёзилган тавсифномаларга қараб, болалар билан мунтазам шуғулланиб бориши зарур. Ўқувчиларни турли танловларга жалб этиш, олимпиадаларга қатнаштириш, ўқув йили охирида янги тавсифномалар ёзиб, 6-синф раҳбарига топшириш ҳам 5-синф раҳбарининг вазифаси бўлиб қолади. Бу иш белгиланган тартибда 9-синфгача давом эттирилади. Шундан кейин 9-синфни битирган ўқувчиларни саралаб, академик лицей ва касб-ҳунар мактабларига ўқишга юборилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синфларга Президентимиз нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктилгандагина кутилган ижобий натижаларни бериши аниқ.

Файзулло ХОЛБОЕВ,
Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Ойбек номли 38-ўрта мактаб директори

Сирғали туманидаги 318-болалар боғча мажмуасининг фаолият кўрсата бошлаганига мана 3 йил бўлди. Оз фурсатда бу даргоҳ кўп ишларга улгурди. Кўплаб болажонлар илм сирларининг калитини шу ерданоқ топишяпти.

СУРАТДА: инглиз тили ўқитувчиси М. Холмуҳамедова тарбияланувчиларга инглиз тилини ўйин ёрдамида ўргатмоқда.

В. КИРИЛЛОВ олган сурат

БУНИ УМР ДЕЙДИЛАР

Қишлоқ муаллими Йўлдош ака Набиев ўтган 52 йиллик умрига назар солса, 33 йилини педагогик фаолиятга бахшида этибди.

У киши илк қадамни 1965 йили ўзи бошланғич маълумотни олган Бойсун тумани Шўроб қишлоғидаги А. Набиев номидаги 35-мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Ўз касбидан бахтини топган бу инсон вилоят педагогика билим юртида, Термиз Давлат педагогика институтида таҳсил олиб, педагогика ва бошланғич таълим мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлди.

Шундай кейин Шўрчи туманидаги 26, 69-мактабларда бошланғич синфларга дарс берди. 1973 йилдан бери Ғафур Ғулом номидаги ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаяпти. Шу ерда Й. Набиев ўз фаолиятининг янги-янги жиҳатларини намоён қилди. Йўлдош ака моҳир педагоггина эмас, жамоатчи ва спорт жонкуяри ҳам бўлиб чиқди. 1979 йили янги мактаб биноси қурилганда спорт зали ва майдонини жиҳозлаш, спорт инвентарлари билан бойитишда катта ҳисса қўшди. Спорт майдони атрофига 210 туп манзарали дарахт кўчатлари экилиб, у ерни чиройли масканга айлантирди. Боғбон-муаллим мактаб ер участкасига ҳам 100 туп мевали дарахт кўчатларини ўтказиб, ажойиб боғга айлантирди.

Жамоат ишлари баробарида у киши асосий иши — ўқитувчиликда ҳам пешқадам. Унинг синфи ҳар йили ўтказиладиган бошланғич синф ўқувчиларининг турли мусобақаларида фаол қатнашади. Ўзлаштириш ва одобда ҳам намунали синф.

Ўтган ўқув йилида у кишининг меҳнатлари вазирлигимиз томонидан юксак тақдирланди. Й. Набиев «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига сазовор бўлди. Миллий дастур асосида таълим-тарбияни янгича ташкил этиш, ўқувчиларни жаҳон андозаларига мослаштириш Йўлдош аканинг кейинги бир талай орзулари сирасига киради.

Мамасоат ТОҒАЕВ, Соатмўмин АБДИМЎМИНОВ, Қурбонмурод УСМОНОВ

Ona tilim — jonu dilim

СЎЗЛАРНИ ЎЗ ЎРНИДА ИШЛАТАЙЛИК

Аввало, она тилимизни ўзимиз асраб-авайлашимиз, унинг серманънолигини намоён эта билишимиз керак.

Шу ўринда мен айрим сўзлар, гаплар ҳам ғалати ишлатилаётганини билдириб ўтмоқчиман. Масалан, матбуотда «Миллий хавфсизлик бўйича АҚШ президентининг ўринбосари» деган ибора ишлатилади. Аслида «АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича ўринбосари» деб ишлатилиши керак. Худди шу каби «тарбиявий ишлар бўйича мактаб директорининг ўринбосари» деб эмас, балки «мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари» дейилиши керак. Чунки АҚШда битта президент бўлганидек, мактабда ҳам битта директор бўлиб, унинг бир қанча ўринбосарлари бўлиши мумкин.

«Собиқ» сўзи бўлар-бўлмасга ишлатилишига ҳам бефарқ қараш керак эмас. Масалан, «собиқ хотин-қизлар қўмитасининг раислари ҳақида маълумот» деб берилиши мутлақо нотўғри. Аслида «Хотин-қизлар қўмитасининг собиқ раислари ҳақида маълумот» деб берилиши тўғрироқ бўларди. Чунки Хотин-қизлар қўмитаси ҳамон фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тошкентда Олой бозорига кираверишда катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган «Сутли кафеси» деган жойга кўзингиз тушади. Аслида «Молочное кафе»ни ўзбекчага сўзма-сўз таржима қилишганга ўхшайди. Бизнингча «Сут қаҳвахонаси» ёки «Сутли қаҳвахона» дейилса яхши бўлармиди?!

Шаҳарнинг барча бурчакларида «пуллик автомобилларнинг тўхташ жойи» бор. Қизиқ, бу нима дегани? «Автомобилларнинг пуллик тўхташ жойи» деб ёзилса бўлмайдими.

Хўш, ўзимиз-чи, яъни журналистлар, матбуот ходимлари «Тил тўғрисида»ги давлат Қонунининг ижросига бефарқ эмасмизми?

Матбуотчилар кўчасидаги газета корпусига бориб қолдим. Тасодифан бир буйруққа кўзим тушди: «Барча редакция ходимлари учун иш вақти 9.00 дан 18.00 гача қатъий белгилансин». Тагида бир газета кўрсатилган эди. Аввалига қандайдир газета нима учун бу корпусдаги барча «редакция»ларга иш тартиби ҳақида буйруқ чиқарар экан, деб ҳайрон бўлдим. Маълум бўлишича, буйруқ ўша «Редакциянинг барча ходимлари учун» чиқарилган экан.

Умуман, ёзганларим сизга майда-чуйда бўлиб туюлар. Лекин арзимас гаплар йиғилиб, улкан муаммоларни ҳосил қилгани каби тилимизга ҳурмат ҳиссини шакллантирмас эканмиз, ўзга миллат вакиллари бизнинг устимиздан куладилар.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ, Ўзбекистон радиоси сиёсий шарҳловчиси

Iqtisodiy bilimlarni o'rganamiz

БАРЧАГА БИРДЕК МУҲИМ

Иқтисодиёт ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг, жамоа ва умуман жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади. Иқтисодий аҳволга қараб ижтимоий ҳаёт шаклланади. Халқимизда «олдин иқтисод, сўнгра сиёсат» деган иборанинг ишлатилиши бежиз эмас, албатта. Иқтисодиёт — бизнинг нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлигимиз. Иқтисод бақувват бўлмаса, фаровонлик кафолатланмайди, моддий етишмовчилик бўлади, турмуш ташвишлари ортади, агар бақувват бўлса, ижтимоий вазият барқарорлашади, одамларда келажакка ишонч пайдо бўлади, уларнинг фаоллиги ҳам кучайиб боради.

Ҳозирги вазиятда жамиятимизда иқтисодий билимга интилиш кучайди, аммо уни фақат иқтисодий қийинчилик билан изоҳласак нотўғри бўлади. Гап шундаки, эркин бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан бу соҳа барчага бирдек муҳим бўлиб қолди. Негаки, оддий тадбиркор бўлиш учун ҳам ишнинг кўзини, иқтисодий фаолиятнинг барча сир-асрорларини ва нозик томонларини чуқур билиш талаб қилинади.

Мамлакатимизнинг келажакда буюк давлат бўлиши кўп жиҳатдан ҳозирги кунда таълим-тарбия олаётган ёшларга боғлиқ. Улар онгига иқтисодий тарбияни сингдириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда иқтисодий тарбиянинг қуйидаги муҳим вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиёт ривожланиб борган сайин мураккаблашади, чунки у кўп қиррали алоқаларни тақозо этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун турли-туман корхоналар, фирмалар ўртасида нафақат миллий, балки халқаро миқёсда алоқа ўрнатишга тўғри келади. Бундай шароитларда ишбилармонлик учун иқтисод сиру-асрорларни, қонун-қоидаларни яхши билиш зарур. Иқтисод қонун-категорияларини иқтисодиёт назарияси ўргатади. Назарияни билиш нафақат амалий фаолият учун, балки иқтисодий иш билан шуғулланмайдиган кишилар учун ҳам керак, чунки улар ҳеч бўлмаганда истеъмолчи бўлиб майдонга чиқадилар, пул топадилар, уни сарфлайдилар, оила бюджетини юритадилар. Умуман олганда, иқтисодий муносабатларга киришмай яшайдиган бирорта ҳам одам бўлмайди. Гап шундаки, улардан бири кўпроқ иқтисодий алоқага киришса, иккинчиси камроқ кириши мумкин. Барибир иқтисодий муносабатни ҳеч ким четлаб ўта олмайди. Назария иқтисодий фикрлашга ўргатади, қонун-қоидаларга биноан тежамли хўжалик юритишга, меҳнатни қадрлашга чорлайди, инсонга хос иқтисодий тарбия беради. Атоқли ватандошимиз машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг ёзишича: **«Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас».** У киши ўз фикрига исбот сифатида Расулуллоҳнинг «Иқтисод узра ҳаракатли кишилар фақир бўлмас» деган ибратли сўзларини келтиради. Инсон жамиятда яшагани туфайли ҳам шу жамиятдаги иқтисодий муносабатлардан холи бўла олмайди. Шу сабабдан иқтисодий назарияни эгаллаш фақат мутахассислар ёхуд тадбиркорлар иши бўлмай, балки барчага баробар, ҳар бир фуқаро учун зарур ишдир. Ҳеч бўлмаганда назарияни ўрганувчилар уларнинг билим савияларини оширадилар. Билим эса ҳеч қачон кераксиз оғир тош бўлмаган, бўлмайди ҳам.

Ҳозирги кунда ҳар бир жамият аъзосининг олдида бозор иқтисодиёти қонуниятлари, унинг мамлакатимизда қандай амалга оширилаётгани, бу қонуниятларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, пировард натижада талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг сирларини билиб олиш каби вазифалар турибди.

Иқтисодиёт назарияси фанини билишдан мақсад жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётини ўрганишдир. Иқтисодиёт назарияси фани икки услубда — назарий ва амалий ўрганилади. Назарий дарсларда ўқитувчи талабаларга лекция услубида мавзуни баён этади, қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодий янгиликларидан хабардор қилади.

Амалий (семинар) дарсларда эса иқтисодий назария фанида берилган билимнинг самараси намоён бўлади. Амалий машғулот дарсларида назарий дарслардан дарс тури, дарснинг мақсади, тарбиявий, фанлараро боғланиши йўналиши билан фарқлироқ бўлиши керак. Ҳар бир мавзуни чуқур ўргатиш учун янги мавзу устида кўпроқ ишлаш, турли дарс услубларидан фойдаланиш ҳозирги замон талабидир.

Обиджон МАҲМУДОВ, Хурсаной УМУРЗОҚОВА, 1-Тошкент педагогика билим юрти ўқитувчилари

Ta'lim muassasalarida

МАҚСАДИМИЗ УМИДЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Яқинда матбуотда Оила Кодекси лойиҳаси эълон қилинди. Унда турмушнинг турли ҳуқуқий жиҳатлари ҳар томонлама инобатга олинганининг гувоҳи бўлдик.

Ростдан ҳам оила муқаддас. Ота-онанинг энг буюк вазифаси ва бурчи баркамол фарзанд ўстиришдир. Болага даставвал ота-она ибрат бўлади, уларнинг бола дунёқараши шаклланишида таъсирлари беқиёсдир. Аммо бола вояга ета бошлагач, таълим-тарбия, ўқиш жойи ҳам асосий муҳит бўлиб қолади. Бир нарса аён: боланинг бўш вақти қанча кўп бўлса, салбий хатти-ҳаракатлари шу даражада тез бўй кўрсата бошлайди. Аксинча бўлса, унинг ёмон йўлларга кириб кетишининг олди олинади. «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалий бажаришда бу нарса муҳим ўрин тутади.

Республикамизнинг тўнғич ўқув юртларидан бири ҳисобланмиш Самарқанд кооператив-тижорат коллежида ҳам талабаларнинг таълимига ҳам, тарбиясига ҳам бирдек эътибор қаратилмоқда.

Коллеж директори Маҳмуд Ҳамроевнинг тадбиркорлиги ва фидокорона саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ бу даргоҳ тўлиқ ўзини ўзи маблағ билан таъминлайди. Коллежда сопол буюмлар ишлаб чиқарувчи кичик корхона ишга туширилган. Шу ва шунга ўхшаш қўшимча даромад келтирувчи манбалар ҳисобидан махсус Ш. Рашидов номидаги стипендия таъсис этилган. Нилуфар Ҳотамова, Шерзод Маматовлар ана шу стипендия соҳибларидир.

Муассасада спорт, компьютер тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш ва ўтказишда ҳам бу маскан вилоят ўқув юртлари орасида етакчи ўринда турибди.

Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлими билан ҳамкорликда тез-тез учрашув ва тадбирлар ўтказиб турилади. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Адабиётни эъзозлаб» кўрик-танловида коллежнинг «Туркистон» командаси энг юқори кўрсаткич билан бошқаларга ўрнак бўлди. Бундан ташқари вилоятнинг кўзга кўринган фан арбоблари, олимлари, шоир-ёзувчию диний идоралар фаоллари билан мунтазам учрашувлар ўтказилади.

Шундай тадбирлардан бири вилоят имом-хатиби Мустафоқул Меликзода билан бўлган мунозарада динимизда юзага келган баъзи оқимлар, жумладан ваҳобийлик йўналиши ва унинг экстремистик дунёқараш билан суғорилгани, зарарли оқибатлари хусусида суҳбат бўлди. Талабалар бундан тегишлича хулоса чиқариб олдилар. Мазкур учрашувлардан кўзда тутилган мақсад ёш авлоднинг маънавий камолоти бўлгани учун ҳам, у шубҳасиз, самара бергусидир.

Бундай тадбирларда нафақат талабалар, балки ўқитувчи ходимлар ҳам фаол иштирок этишади.

Маълумки, ҳуқуқий онгнинг ўсиши ҳуқуқбузарликни камайтиради. Ушбу мавзудаги суҳбатларга вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари жалб этилади. Мустақил ҳаётга эндигина қадам босаётган ёшлар учун ҳуқуқий билимларнинг мустаҳкамлана бориши жуда муҳимдир.

Яқинда Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилейи муносабати билан коллеж меҳнат жамоаси бир кунлик иш ҳақларини хайрия сифатида Ал-Бухорий жамғармасига ўтказишга қарор қилдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, ўқув-ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни самарали йўлга қўйганлиги натижасида коллеж молиявий жиҳатдан ўз-ўзини мустақил таъминлайди. 700 нафар талабага ўз бағрида таълим-тарбия бераётган ушбу даргоҳни аста-секин ўқув-ишлаб чиқариш комплексига айлантириш тараддуди кўриляпти. Хуллас, бу ерда ўқув ҳам, назария ҳам, амалиёт ҳам том маънода замон талабларига мос равишда йўлга қўйилган. Шу боис, даргоҳдан учирма қилинаётган ёшлардан кўп нарсалар умид қилса бўлади.

Абдисодиқ НАМОЗОВ, Самарқанд кооператив-тижорат коллежи маънавият ва маърифат маркази услубчиси

Nuqtai nazar

ЯНГИЧА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ВА ЖАДИДЛАР

Маълумки, октябр тўнтаришидан кейин ўтган етмиш йил мобайнида бошқа соҳалар каби адабиёт тарихини ўрганиш ҳам коммунистик мафкурага мос сохта йўлда олиб борилди. Бунда гўё ҳар бир миллий маданиятда икки хил маданият мавжудлиги ҳақидаги ленинча даъвога асосланиб иш кўрилди. Натижада, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти тарихини ёритишда ҳам шу боши берк кўчага кирилди. Бу давр адабиётидан ҳажв ёзган (демократ) ва рус фан-техникаси, маданиятига хайрихоҳлик билан қараган (маърифатпарвар) бир неча қалам соҳиби ғаразли мақсадларда ажратиб олиниб, кўз-кўз қилинди. Шу тариқа Муқимий, Фурқат, Завқий, Комил, Аваз ва Анбар отин бу даврдаги адабиётнинг қиёфасини белгилайдиган ижодкорлар сифатида барча дарслик, қўлланма ва дастурлардан ўрин олишди, уларнинг асарлари чоп этилди. Улар билан бир даврда яшаб ижод қилган, фикр кўлами ва бадиий маҳорати жиҳатидан улардан асло кам бўлмаган Муҳий, Қорий Хўқандий, Нисбатий, Ҳавоий-Умидий, Ҳазиний, Қундузий каби фарғоналик шоирлар, Мираҳмад Мирий, Камий Музтариб, Роғибий сингари тошкентлик шоирлар, машҳур Юсуф Сарёмий, Хива хонлигидаги сарой шоирлари, Бухоро амирлигидаги форсизабон шоирлар атай четлаб ўтилди. Ниҳоятда бой адабий хазинамизни шу тариқа чала кўрсатиш ўқувчиларда чалкаш таассурот қолдиргани ўз-ўзидан аён.

Бу ҳол XIX аср иккинчи ярми адабиётига оид манбаларни янгидан, чуқур ва атрофлича ўрганиш, холис баҳолаш вазифасини қўяди. Шундай қилинса, масалан, 1892 йилги вабо баҳонасида бошланган қўзғолон хусусидаги асарлар ёки 1898 йилги Дукчи эшон воқеасини ўша давр расмий матбуотидан тамоман фарқ қиладиган нуқтаи назардан ёритган асарлар топилиши мумкин. Шуниси ҳам борки, шўро давридаги давлатга қарам илмий ташкилотлар — институт, музей ва бошқалар инқилобдан олдинги қўлёзмалардан коммунистик мафкурага қандай хизмат қилишига қараб фойдаланган, бу мафкурага хизмат қилмайдиган манбаларга нописандлик билан қарашга мажбур бўлган. Шу боис мутахассислардан иборат экспедициялар ташкил этиб, аҳоли қўлидаги нодир китобларни эртароқ жамлаб, ўрганиб, тадқиқ этиб, илмий-тарихий ҳақиқатни тиклаш учун улардан кенг фойдаланиш лозим.

Коммунистик мафкура зуғуми остида ўтмиш адабиётимизнинг, жумладан, XIX аср иккинчи ярми адабиётининг бу мафкурага мувофиқлаштирилган қисми ҳақида ҳам бор ҳақиқат айтилмади. Масалан, янгича маърифатпарварлик адабиётини олайлик. Ўзбек адабиётида маърифатпарварлик билан ёнма-ён инсонларни инсоф ва адолатга, ростгўйлик ва фидойиликка ўргатган диний-маърифатпарварлик ҳам фаолият кўрсатгани, маданий меросга алоҳида ихлос билан қараб, ундан халқни воқиф этиш йўлида катта ишларни амалга оширгани ва ниҳоят, янгича маърифатпарварлик жадидчилик ҳаракати билан мустаҳкам боғланиб кетгани хусусидаги ҳақиқат мунтазам яшириб келинди. Ҳатто узоқни кўзловчи ёвуз режа асосида маърифатпарварлик билан жадидчиликни бир-бирига олабўжи қилиб кўрсатиб, гўё улар бир-бирига муросасиз душман эди, бири иккинчисининг пайини қирқар эди, дея кишиларни ишонтиришга уриниб келинди.

Аслида эса ҳақиқий аҳвол бутунлай бошқача эди. XIX асрнинг 80-йилларида шаклланган ўзбек маърифатпарварларининг янги авлоди 1900-йиллар бошига келиб янги усул мактабларида, тараққийпарвар даврий матбуотда жадидлар билан ёнма-ён туриб фаол қатнашдилар, жадидлар билан ҳамкорлик қилганликлари учун чор охранкасининг таъқиб ва тазйиқларига дучор этилдилар, шўролар даврига келиб эса жадидлар билан бирга қатл этилдилар, сургунга жўнатилдилар.

Ўша давр маърифатпарварларининг пешқадамларидан Сайдрасул Сайдазиз ўғлининг «Устоди аввал»и нақ октябр тўнтаришига қадар Туркистондаги янги усул мактабларининг асосий ўқув қўлланмаси бўлиб қолди. Фурқат умрининг охиригача таъзим бажо қилган устози Эшонхўжа мударрис асримизнинг 10-йиллари ўрталарида ҳам Шайхованд Таҳур даҳасига қарашли Қуйи Девонбеги маҳалласида ўзи очган янги усул мактабда маҳаллий зиёлиларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб вояга етказгани хусусида Мўминжон Тошқин «Турмуш уринишлари»да қизиқарли маълумотлар қолдирган. Фурқатнинг ҳаётлик вақтидаёқ машҳур «Сабоға хитоб» шеърий мактуби Россия пойтахтидаги нуфузли нашрлардан бирида йирик шарқшунос А.Н.Самойлович томонидан нашр этилишида муносиб ҳисса қўшган Сайд Камолхон домла Тошкентдаги янги усул мактабларининг фидоий муаллими сифатида кўп йиллар хизмат қилгач, 1913—1914 йилларда Петербург тижорат академиясидаги муътабар устозлар сафидан ўрин олади...

Фурқат сўнгги Қўқон хони Худоёрхон фожиаси хусусида бир неча дилсўз асарлар яратиб, унинг фарзандлари билан ғоят дўстона алоқада бўлгани тарихдан маълум. Шоирнинг «Туркистон вилоятининг газети»да амалга оширган маърифатпарварлик ишлари хоннинг бир эмас, уч ўғли газета фаолияти билан боғланишига олиб келади. Чунончи, Ибн Яминбекнинг Фурқат «Саргузаштнома»си тахлитидаги йирик насрий асари, Муҳаммад Аминбекнинг «Фарғона музофотининг хонлари хусусидаги воқеотлар» сарлавҳали қимматли тарихий материалларга бой асари 1893—1894-йиллардаёқ «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида чоп этилган, ўлка маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди. Кейинчалик Ибн Яминбек Худоёрхонов анча муддат «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири вазифасини ҳам адо этди. Хоннинг кенжа ўғли Фансуруллобекнинг Фурқат билан айрича муносабатлари, унинг келажак тақдирига шоирнинг кўрсатган самарали таъсири таҳсинга лойиқдир. Фурқат она юртидан жўнаб кетгач, Истанбулдан тошкентлик дўстларига ёзган «Сабоға хитоб» номли бебаҳо шеърий мактубида, оз эмас-кўп эмас, йигирма икки мисрани Фансуруллобекка бағишлаганнинг ўзиёқ бу икки йирик зиёли муносабатларининг кўламини тасаввур этишга ёрдам беради. Шеърий ижодда, маърифатпарварликда Фурқатдан кўп ва хўб сабоқ олган Фансуруллобек Худоёрхонов ўлкада жадидчилик ҳаракати кенг тус олган йилларда Туркистон жадидлари раҳнамоларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов билан бирга «Хуршид», «Осиё» газеталарини ташкил этиб, омма орасида зиё тарқатган илғор зиёлилар сафидан ўрин олди.

Туркий халқлар маърифатпарварлигининг отаси Исмоил Гаспирали ҳам 90-йиллар иккинчи ярмида Фурқатнинг Ёркентдаги маърифатпарварлик фаолиятидан воқиф бўлиб, унинг асарларини ўзи муҳаррирлик қилган «Таржумон» газетасида чоп эттириб турди. Гаспирали Фурқатдан бошқа ўзбек маърифатпарварлари ва жадидларининг фаолияти билан ҳам мунтазам равишда қизиқди. Унинг собиқ Шаҳрисабз беги, Фурқатнинг қалин дўсти Жўрабек додхоҳ билан муносабатлари ҳақида ҳам архивларда қизиқарли маълумотлар сақланган.

Шу муносабат билан чор ҳукуматининг Туркистондаги жадидлар фаолиятига, улар оча бошлаган янги усул мактабларига муносабатини кўрсатувчи баъзи ҳужжатларга тўхтасак. Маълумки, ўлкада бу ҳаракат ўтган асрнинг сўнги йилларидан фаоллаша бошлаган эди. Лекин сал ўтмай, 1900 йилнинг 31 декабридаёқ Россия ички ишлар вазирлиги полиция департаментининг 13444 рақамли хатида мустамлака маъмуриятининг Туркистондаги йирик мафкурачиси Н.Остроумовга ўта махфий махсус топшириқ берилади. Яъни хатда Туркистондаги маҳаллий аҳоли орасида янги усул мактаблари очиш ҳаракати бошланиб кетгани, матбуотда уни тарғиб этувчи мақолалар эълон қилинаётгани важидан газеталарга мақола ёзишда, мактаб очиш ва унда дарс беришда қатнашаётган барча шахслар устидан материал тўплаб, шахсан ички ишлар вазирига маълум қилиш учун, полиция департаментига зудлик билан жўнатиш вазифаси Н.Остроумов зиммасига юклангани қайд этилади.

(Давоми 4-бетда)

Бугун табиат ўзгача оройиш олган. Табиатнинг ўзгача чиройи балки баҳор ойининг бошланишида аёлларимизнинг, онажонларимизнинг байрами бор булгани учундир.

Аёл жамият гавҳари, оила таянчи. Оламнинг хотин-қизларимиз билан гузаллигини намойиш қиладиган байрам тантанасини 1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси эсда қоларли тарзда утказишди. Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри биноси билим юрти фахрийлари, устозлари ва талабалар билан лиқ тўлди.

АЁЛ БИЛАН МУНАВВАР ОЛАМ!

Халқаро Хотин-қизлар байрами ва Оила йилига бағишланган тантанали кечанинг шу куни файзли ўтишида билим юрти директори М. Исмоилова, директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи муовини С. Зупархўжаева, устозлардан О. Маҳмудов, О. Каримов ва мусиқа ўқитувчиларининг хизматлари катта бўлди. Билим юртида ташкил этилган ҳаваскорлик жамоасининг чиқишлари, оналарни мадҳ этувчи дилрабо қўшиқлар, жозибали рақслар барчанинг қалбига баҳорий кайфият олиб кирди.

Байрам тадбирининг тантанали қисми тугагач, театр жамоаси томонидан С. Сирожиддиновнинг «Ҳаёт эшик ортида» асари асосида саҳналаштирилган спектакль намойиш этилди.

Х. УМУРЗОҚОВА

ЯНГИЧА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ВА ЖАДИДЛАР

(Боши 3-бетда)

Туркистондаги усули жадид мактабларининг фидойилари бу йилларда чор охранкасининг муттасил тазйиқ ва таъқиби остида иш кўришларига, кўп ҳолларда уларнинг мактаблари ёпиб ташланганига диққат қилсак, полиция департаментининг бу циркуляри улка маданий ҳаётида қандай машъум рол ўйнаганини билиб олиш қийин эмас.

Бу циркуляр муносабати билан Петербургга жўнатилган аччиқ бўҳтонларнинг бири Фурқатнинг қадрдон дўсти ва Фансуруллобекнинг қайнотаси генерал-майор Журабек хусусида эди. Бу чақув хати бир вақтлар рус мустамлакачи қушинларига қарши дадил жангга кириб, Самарқанддек шаҳри азимни улар қўлидан тортиб олиш даражасига етган, шу важдан генерал губернаторлик доиралари ҳамиша кек сақлаб келган довюрак саркарданинг кейинги тақдирига қанчалар фожиали таъсир кўрсатганини тасаввур этиш мумкин. Орадан озроқ вақт ўтгач Журабек узининг Қорасувдаги богида сирли равишда ўлдирилгани, мустамлака маъмурияти бу фожиа сабабчилари изини бедарак йўқотгани ҳам бекорга эмас.

Янгича маърифатпарварлар билан жадидлар муносабатидан далолат берувчи бошқа жиҳатлар ҳам анчагина. Чунончи, Сатторхон Абдулғаффор ўғли «Туркистон вилоятининг газети»да хизматни бошлаган дастлабки ҳафталаридаёқ бундай деб ёзганлиги маълум: **«Аввало бизларга лозимдурким, бобо ва аждодимизни тараддуди бирлан ошкоро бўлингон илмларни таҳсил қилмоққа ружъ қилмоқ. Чунки бизларга уят ва айбдурким, бизларнинг бурунги олимларимиз илм бобида баланд даражада туруб, ҳатто бошқаларга таълим бериб турган бўлсалар, бизлар ҳама халқдин ул бобда пастлик мақомида қолсақ»** (1883 йил 15 феврал, 6-сон).

Фурқат маърифатпарварлик асарларида Шарқнинг буюк олим ва шоирлари Ибн Сино, Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Насимий, Навоий, Бедил ва бошқаларни уқувчиларга буюк ибрат намунаси сифатида қайта-қайта тавсиф этди, Фузулий, Машраб, Амирий, Муқимий каби азамат ижодкорлар ғазалларига тахмислар боғлаб, татаббулар қилиб, уларга алоҳида ҳурмат кўрсатди. Буюк Навоийнинг «Мезонул авзон»ига ихлос билан қараб, унинг асосида «Илми шеърни қоидаи авзонининг баёни» асарини битди, ўзбек халқининг туй, аза, гап сингари катта маросимларининг ҳар бири хусусида алоҳида-алоҳида эшлунослик йўналишидаги асарлар қолдирди.

Фақат Сатторхон билан Фурқатгина эмас, янгича маърифатпарварликнинг беистисно барча намояндалари ўтмиш маданий меросимизга шу тариқа камоли эҳтиром билан муносабатда бўлдилар. Маърифатпарварларнинг бу олижаноб хусусияти жадидлар томонидан изчил давом эттирилди. Биргина Абдурауф Фитратнинг ўзбек мусиқаси тарихи ҳақидаги икки ноёб китоби, «Абулфайзхон» тарихий драмаси йигирманчи йиллар маданий ҳаётимизда қанчалар катта воқеа бўлгани кўпчиликка маълум. Фитрат тарихий асарлари устида нақадар синчковлик билан меҳнат қилганини кўрсатувчи биргина мисол келтирмоқчимиз. Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мусиқий рисоласи ҳали топилмаган. Бу асар ўтган аср урталарида Шарқий Туркистонда бўлгани, «Асрори мусиқий» номи билан аталгани, унда Шоҳруҳ замонасининг бетакрор созандаси Мавлоно Соҳиб хусусида эҳтиросли лавҳа берилганига доир маълумотлар асримизнинг етмишинчи йилларидагина бизга маълум бўлди. Лекин Фитратнинг ўзбек мусиқаси тарихи ҳақидаги бебаҳо илмий тадқиқотида уша Мавлоно Соҳибнинг тенгсиз созандагина эмас, балки ўз даврининг йирик мусиқа назариётчиси ҳам эканини кўрсатувчи фикрларни ўқиганда муаллифнинг синчковлигига қойил қолмай илож йўқ.

Фурқат ва унга ҳаммаслак маърифатпарварлар XIX аср иккинчи ярмида ўзбек халқи ҳаётига кириб келган маданий янгиликлар мағзини чақувчи кўплаб асарларини мерос қилиб қолдирганлар. Масалан, Фурқат концерт, театр спектакли, балл қандай ташкил этилиши, босмахона, суратхона, клубда ишлар қай тариқа олиб борилиши тўғрисида муфассал маълумот берувчи асарлар қолдирган эди. Бу анъанани ҳам жадидлар изчиллик билан давом эттирдилар. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Театру нима» тахлитидаги ижод намуналари шундан далолат беради.

Жадидлар ўз салафлари бўлмиш XIX аср иккинчи ярми маърифатпарварлари меросини эҳтиром билан сақлаб, келгуси авлодларга етказишда ҳам ибратли ишларни амалга оширдилар. Чунончи, Фурқат шеъриятининг гултожи бўлмиш «Сайдинг қўябер, сайёд...» га Ҳамза Ҳакимзода сеҳрли мусиқа басталаб, ўзига замондош истеъдодли хонандаларга ургатиб, ижро эттирган булса, Абдулла Авлоний «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» китобида «Мухаммас Муҳаммад Худоёрхон тилидан» асарининг тула матнини эълон қилдирди. Сидқий Хондайлиқий эса «Армуғони Хислат» китобидан Фурқат ва Тошхўжа Асирийнинг диний маърифатпарварлик йўналишидаги ўнга яқин асарининг жой олишига эришди.

Юқорида шуро даври тадқиқотчилари янгича маърифатпарварлик билан жадидчиликни бир-бирига терс қўйиб, ҳақиқатга хилоф иш тутганликлари ҳақида фикр юритдик. Ҳозирги вақтда эса уларни қориштириб юбориш, орадаги аниқ чегарани ажрата билмаслик нуқсони учрамоқда. Чиндан ҳам янгича маърифатпарварлар билан жадидлар ўртасида умумий жиҳатлар кўп. Халқни янги замон илм-фани, маданиятидан баҳраманд қилиш орқали келгусидаги катта ишларга тайёрлаш мақсади, ўтмиш маданий меросга зўр ҳурмат билан қараш, мустамлака зулмини қоралаш каби муштарак хусусиятлар шу жумлага киради. Айни вақтда уларни бир-биридан ажратиб турадиган жиҳатлар ҳам анчагина. Чунончи, янгича маърифатпарварлар усули савтия мактаблар муаммосини кун тартибига қўйган эмаслар. Бу ҳол янги усул мактаблари очиш учун XIX асрнинг иккинчи ярмида тарихий шароит етилмагани билан изоҳланади. Жадидларда эса маърифатпарварларга хос исломга муносабатдаги яқдиллик кўринмайди. Аксинча, жадидлар даврига келиб «жадид» ва «қадим» мунозаралари авж олади, ҳатто ислом дини асосларига зид келадиган айрим асарлар ҳам ёзилади.

Хуллас, янгича маърифатпарварлик билан жадидчилик орасидаги муштарак жиҳатларга қарамай, жиддий тафовутлар ҳам мавжуд. Шундай экан, уларнинг ҳар иккисини бир нарса сифатида изоҳлаш тўғри эмас. Аммо кейинги вақтда чоп этилган, Туркистоннинг энг янги тарихига оид баъзи китобларда юқорида айтилган нуқсонлар кўриниб қолмоқда. Чунончи, Андижонда 1995 йили чоп этилган «Туркистон Русиё босқини даврида» номли китобда Муқимий, Муҳйи, Фурқат сингари XIX аср иккинчи ярмидаги адабиёт намояндалари жадид адабиёти вакиллари сифатида берилган ва таҳлил этилган. Тўғри, Муқимийни жадид адабиётига нисбат бериш бутунлай янги иш эмас. 30-йиллар биринчи ярмида чоп этилган адабиёт хрестоматияларида Муқимийни жадид адабиётини яратган ижодкор сифатида ургатиш тавсия этилган эди. Бироқ Муқимий, Муҳйи, Фурқат даври билан жадидлар даври ўртасида, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва адабий-эстетик қарашларида жиддий тафовутлар борлиги ҳисобга олинса, маърифатпарварларни жадидлар билан қушиб юбориш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқ-равшан булиб қолади.

Шариф ЮСУПОВ,
профессор



Қизиқ китоб экан...

Ko'ngil bitiklari

ОНАМГА

Сизнинг сўзингизга маҳталман она,
Иссиқ меҳрингизни қўмсайди кўнглим.
Хатардан асровчи туморсиз она,
Сиз мening мақсадга элтажак йўлим.

Кўзимга қоронғу бўлганда жаҳон,
Кўнглим ёритувчи сўнмас чироқсиз.
Она меҳрингизла файзли ҳар он
Сиз менга ҳамиша сўлмас чароқсиз.

Онамнинг умрини сўрайман сендан
У менинг кўрарим, нурли чоғимдир.
Элим деб ёнишим боиси шундан,
Онам кўксимдаги мангу боғимдир.

Садриддин МАМАЮСУПОВ

Xullas...

ХАЙРИЯТКИ, ОМОН ҚОЛИШДИ

Левченко посёлкасида истиқомат қилувчи Қозон корхоналаридан бирининг қоровули бўш вақтларида қўшниларининг соатларини тузатиб берарди. Бир куни у «отмоқчи» бўлиб, техникани тозалашда ишлатиладиган суюқликни ароқ деб ўйлаб, ичиб юборди. Хайрихоҳлардан кимдир «тез ёрдам» чақирди, кимдир ҳалиги бутилкада қолган ичимликни уйига ўмариб кетди. Кейин нима бўлди денг! Ўша суюқлик уникига таклиф қилинган меҳмонларга ҳам сийлов сифатида қуйиб берилди ва оқибатда... мезбонга қўшилиб улар ҳам шифохонанинг реанимация бўлимига келтирилди.

«Қозон оқшоми»нинг хабарига кўра, бу мушкулотдан учтаси омон қолган. Соатсоз, ичимлик ўғриси бўлган хоним ва унинг қайнотаси. Техник тозалаш воситаси унинг эрига ажал келтирди...

ИТ — ВАФО

Ново-Савиновск ички ишлар бўлинмаси навбатчиси сув қувурига йиқилиб тушган бола ҳақида маълумот қабул қилди. Фақат у бу бола ўз фарзанди эканлигидан бехабар эди.

10 ёшли Слава ротвеллер ити билан кўча айланиб юрарди. Тасодифан очиқ хандақка тушиб кетди. Бола итининг тасмасини қўйиб юбормас, ўз навбатида ит ҳам асфальтга тираниб турар, бутун кучи билан эгасини сақлаб қолишга тиришарди. Ит — вафо, деганлари шу бўлса керак, дея йўловчилардан бири милицияга хабар берди: кўнгилсиз ҳодиса хайрли тугади.

ВИЖДОН АЗОБИ

Виждон азобидан ёмони йўқ.

Аввал судланган 19 ёшли йигит «ўтириб» чиққач, ҳаммасидан халос бўлгиси келиб, бундан икки йил аввалги воқеаларни бўямай-нетмай бор ҳолича ҳикоя қилиб берди. Унинг айтишича, улар уч киши бўлиб кимнингдир енгил машинасини ўғирлашган.

Йигитнинг ҳаётига, у уйланмоқчи бўлган ақлли қиз кириб келмагунча виждон азоби унга тинчлик бермаган. Бўлғувси эр ўз ўтмишидаги хатоларни ўнглаш учун адолат қўлига ўзини топширди.

Аслида воқеа қай тарзда содир бўлганини текширув ҳал қилади. Ҳозир эса йигит яна ҳибсда, шерикларидан бири қидирувда, учинчиси эса шов-шувга сабаб бўлган жиноятчиликка дахлдор эканлиги учун айбланмоқда.

ana shunaqa gaplar

Sport

АМЕРИКА АМЕРИКАМИ?

АҚШ футбол терма командаси жаҳон чемпионатига тайёргарлик юзасидан Голландия ва Бельгия футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, ҳар иккаласидан ҳам мағлубиятга учради (2:0 2:0). Кутилмаганда эса жаҳон чемпиони — Бразилия терма командасини мағлуб этди. Таажжубланган мухлислар, Америка Америкага ўхшамаяпти, деган фикрга келишди.

ПЕЛЕ ЯНА БАШОРАТ ҚИЛДИ

Таниқли Пеле навбатдаги жаҳон чемпионатида ким ғолиб чиқиши хусусида яна башорат қилди. Аммо бу-ниси илгаригисидан сал бошқача. Эмишки, Бразилия футболчилари жаҳон кубоги учун асосий даъвогар. Бироқ улар шу кунларда ҳеч бўлмаганда 4-ўринни олишга ҳақли.

Пеленинг бу фикри Германия ва Аргентина терма командаларининг обрўсини тобора ошириб юборди.

ЯПОНЛАР ҚИЗҒИН ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Маълумки, футбол бўйича 2002 йилги жаҳон чемпионатини Корея ва Япония ҳамкорликда ўтказади. Шу муносабат билан яқинда Японияда муҳташам футбол майдони қуриб битказилди. Умумий нархи 479 миллион АҚШ долларига тенг. Мухлислар учун 70 минг ўриндиқ ажратилган. Стадион очилиши байрами билан Япония-Корея терма командалари учрашиб, японлар 2:1 ҳисобида ғолиб чиқишди.

РУУД ГУЛЛИТНИНГ ЎРНИ БИЛИНМОҚДА

Бундан бир ойча муқаддам «Челси» (Англия)нинг мураббийси, голландиялик Рууд Гуллит ўз вазифасидан бўшатилган эди. Унинг ўрнини эгаллаган италиялик машҳур мураббий Джахлуни Виалли «Челси»ни барибир эплолмаяпти. Мағлубиятлар кўпайиб кетди. Саросимага тушган ишқибозлар Гуллитни яна қўмсашмоқда.

ЯНА ЛАЗУТИНА ҲАҚИДА

Нагано олимпиадасининг уч бор чемпиони Лариса Лазутина бундан салгина илгари лейтенант унвонини олган эди. Яқинда унга яна бир нишон — Россия Қаҳрамони кўкрак нишони топширилди. Борис Ельцин унга доимий хайрихоҳ эканлиги яна бир бор ўз исботини топди.

OCHIQ JAMIYAT INSTITUTI-O'ZBEKISTON

«Дебатлар» дастури

бўйича ўтказиладиган семинарда иштирок этувчилар учун очиқ конкурс эълон қилади. Ушбу конкурсда барча хоҳловчи ўқитувчилар ва мактабда бевосита ишлаётган шахслар қатнашиши мумкин.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги маълумотлардан иборат бўлган ариза топширилиши лозим:

- ариза топширувчи ҳақида маълумот, яъни, фамилияси, исми, отасининг исми, ишлаш жойи, иш лавозими, иш ва уй манзили ва телефонлари.
- семинарда иштирок этишдан мақсадингиз (сизнинг таълим фаолиятингиз рўй бераётган воқеалар билан, уларга баҳо бериш билан ва улар ҳақида баҳс олиб бориш билан қай тарзда боғланган; шунга ўхшаш қайси қўлланмалар сиз томондан ишлатилади; «Дебатлар» дастури ҳақида қандай маълумотларга эгасиз; нима учун ушбу методикага эга бўлмоқчисиз).

Семинар давомида Ўзбекистонда ўқувчиларга муомала санъати, баҳслашиш қобилияти, дебатларда қатнашиш ва уларни газета ва журналлар, радио ва телеведение маълумотлари, қўшимча маълумот манбалари билан ишлаш, ўқувчи онгини кенгайтириш, умумий маданиятни ривожлантириш мақсадида тренерларни тайёрлаш амалга оширилади.

«Дебатлар» бўйича маълумотларни ОЖИ-Ўзбекистондан олишингиз мумкин. Бошқа шаҳарлардан келган қатнашчиларнинг йўлкира ва Тошкентда истиқомат қилиш ҳаражатлари ОЖИ-Ўзбекистон ҳисобидан ажратилади.

Аризалар 23 мартгача топширилиши лозим.

Аризалар ОЖИ-Ўзбекистон жамиятининг қуйидаги манзилига етказилиши лозим: Тошкент шаҳри, 700070, Ивлев кўчаси, 41-уй, «Дебатлар» дастури. Телефонлар: (3712) 406854, 548243, 55-61-60.

Электрон почтаси shaklo@osi/freenet/uz

Musiqiy ta'lim

ҲАРБИЙ ОРКЕСТР КЕРАКМИ?

Тошкент шаҳридаги Республика мусиқа мактаб-интернати асосан пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобларини ургатишга ихтисослашган. Айни шу жиҳати билан у нафақат Узбекистонда, балки Урта Осиёда ягона ҳисобланади. 1944 йилда етим қолган болаларнинг тарбияси ва таъминотини амалга ошириш мақсадида барпо этилган билим маскани ҳарбий оркестр ижрочиларини етиштириб чиқаради. Боғурогга бурканган макон бугун 250 дан ортиқ тарбияланувчини ўз бағрига олган. Республикамиз вилоятлари ва олис туманларидан келиб ўқиётган болалар асосан кам таъминланган ёки боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларидир.

Президентимизнинг ташаббусига биноан Оила йили, деб эълон қилинган амалдаги йилда билимгоҳ фаолиятига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ғамхўрликка муҳтож бўлган оилалар фарзандлари ўқиши ва ижодий машғулотлари учун барча шароитлар яратилган. Ўқувчилар турар жой, тўрт маҳал иссиқ овқат ва кийим-кечак билан таъминланган. Юқоридаги барча қулайликларни яратиш Халқ таълими вазирлиги зиммасида бўлиб, бу иш меъёрида уддаланмоқда. Бунга жавобан жамоа аъзолари ошпазу — тарбиячилар, ўқитувчию мураббийлар ҳар бир болага меҳр билан муносабатда бўлишади, уларни ўз фарзандлари каби қадрлашади.

Салкам 55 йиллик ижод йўлини босиб ўтган илм даргоҳи Зоҳид Ҳақназаров, Э. Солиҳов, М. Муҳиддинов, Ю. Дрансо, В. Тарасов каби таниқли санъаткорларнинг вояга етишида ва камолот сари интилишида илк пиллапоя вазифасини ўтаган. Оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение, радио, матбуот орқали унинг фаолияти кўп маротаба атрофлича ёритилган. Шуларни ҳисобга олиб, бу гал мусиқа мактаб-интернатининг жамиятимиз ҳаётида нечоғлик аҳамият касб этиши ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ҳар бир мамлакат халқлари ўз урф-одатлари ва миллий анъаналарига эга. Жумладан, мусиқа соҳасида ҳам. Бизнинг юртимиз бу йўлда узининг мукаммал, миллий мусиқий меросига эга. Карнай-сурнайдан тортиб, доираю дуторгача айтиш мумкин. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, ҳарбий оркестрнинг кераги борми? Миллий қадриятлар билан бир қаторда умуминсоний муносабатларнинг ривожланиши учун ҳам у жуда зарур. Ҳарбий қисмларимизни, мусиқали театрларимизни, цирк ва юбилей тантаналарини оркестрсиз тасаввур қилиш қийин. Халқаро учрашувлар, анжуманлар ва спорт мусобақаларида давлатимиз мадҳиясининг ижро этилиши оркестрсиз бўлмайди. Ватанимизнинг рамзий белгиларидан бўлмиш Узбекистон Давлат Гимни ана ўша оркестр садолари ичра таралаб, қалбларга талпинади.

Мусиқа мактаб-интернатига миллийлик аллақачон сингиб кетган. Карнай-сурнай, ноғора ва доира каби миллий мусиқа асбобларини болаларга ургатиш ҳам йўлга қўйилган. Шу билан бирга оркестр ижросида миллий мусиқаларни ижро этишга ҳам эътибор катта.

— Жорий ўқув йилида амалга татбиқ қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» талабларидан келиб чиқиб, ўз ишларимизни, режаларимизни қайта ташкил қиляпмиз, — дейди интернат директори Машкура Каримова. — Асосийси, бизнинг мактаб-интернатимизда болалар маънавий дунёсининг гўзаллашувида жуда зарур бўлган илк мусиқий билимни беришга ҳамда уларни келажакда етук мусиқачилар қилиб тайёрлаш учун моддий база ва кадрлар мавжуд.

Фахриддин КАРИМОВ

Sport

ҒОЛИБЛИК МУБОРАК, УСТОЗЛАР!

Куни кеча Навоий вилоят ҳокимлиги, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан ташкил этилган 2-тур III босқич олий ва ўрта махсус билим юртлари раҳбар жамоа аъзоларининг «Интилиш» дастуридаги спартакиадаси Навоий Давлат кончилик институти ҳузуридаги ихтисослашган техника коллежида катта тантана билан ўтказилди. «Интилиш» спартакиадасида 7 терма жамоа аъзолари қатнашди. Унда ихтисослашган техника коллежи спортчилар жамоаси фаол қатнашиб, фахрли 3-ўринни эгаллади. Спортнинг волейбол тури бўйича 1-ўринни, баскетбол тури бўйича эса 2-ўринни, сувда сузиш бўйича 2-ўринни, футбол ва теннисдан 3-ўринларни эгаллаб вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан кубок, қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирландилар.

Б.ҲАИТОВ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими ва 193-мактаб жамоаси шу мактаб раҳбари М. Алимовага онаси

Иқболхон ИМОМОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қумитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Рустам БОЙМАТОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-01064. Тиражи 59313. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6